



## FARG‘ONA VILOYATI O‘ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 йил «6» июль

249-11-161-Q/22

Ўзбекистон туман ҳокимлиги

***Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси туман ҳокимлигининг маъмурий биноси худудидан ўтувчи 4К-923 “Яйпан-Ропқон-Бешариқ-Чилмахрам” автомобиль йўлининг ПК 0+5-0+7 қисми чап ва ўнг томонларига “Тўхташ таъқиқланган” 3.27 тақиқловчи йўл белгиси ўрнатишга рухсат бериш ҳақида***

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)нинг 5, 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.12.2020 й., 09/20/796/1639-сон)га мувофиқ, туман худудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибini сақлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-улов ходисаларини олдини олиш мақсадида ҳамда туман ИИБ бошлиғининг туман ҳокимлигида 02.03.2022 йил куни 150-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон)нинг 6, 25-моддаларини қўллаб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ИИБ бошлиғининг туман ҳокимлигида 2022 йил 02 март куни 150-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмаси инобатга олинсин;
2. Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси туман ҳокимлигининг маъмурий биноси худудидан ўтувчи 4К-923 “Яйпан-Ропқон-Бешариқ-Чилмахрам” автомобиль йўлининг ПК 0+5-0+7 қисми чап ва ўнг томонларига “Тўхташ таъқиқланган” 3.27 тақиқловчи йўл белгиси ўрнатишга рухсат этилсин;
3. Ўзбекистон туман “Йўллардан фойдаланиш” УК директори О.Джураевга: 4К-923 “Яйпан-Ропқон-Бешариқ-Чилмахрам” автомобиль йўлининг ПК 0+5-0+7 қисми чап ва ўнг томонларига “Тўхташ таъқиқланган” 3.27 тақиқловчи йўл белгиси ўрнатиб бериш вазифаси топширилсин;

4. “Яйпан овози” газетаси таҳририяти (К. Шерматов), Ахборот хизмати раҳбари (Д. Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради;

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш. Исмоилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Юлдашев